





Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети I ёшда

БУ ЕРДА ЭЛЧИЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Кўчалик таълим билан андармон бўлиб, баъзан йирик танларнинг ҳам унутиб қўйиб эришган киши. Ваҳоланки, соҳибда Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети очилгани тўғрисида овозларнинг акс садо ҳали кўзларимизни тарқ этиб улгургани йўлу, шу воқеага ҳам бир йил бўлди!

Шу муносабат билан мухбиримиз дорилфунун ректорининг талабалар билан ишлаш бўйича муовини Шухрат ҒОЙНАЗАРОВ билан сўзлашди.

— Ўзбекистон мустиқил бўлганидан кейин, айтиш мумкин, амалга оширилган энг катта ишларнинг биттаси худди шу йил масканининг ташкил қилиниши бўлди, десак муболага бўлмайди. Бунинг ўтган бир йил натижалари ҳам жасбатлиб турибди.

— Ха, худди шундай олий ўқув юрти ҳаётий зарурат эди. Нафақат Ўзбекистон учун, балки Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун ҳам унинг аҳамияти катта. Чунки, тарихдан маълумки, ўз манфаатларини ҳимоя қила олган давлатгина халқаро миқёсда обрў-эътибор қозона олади, тенглар ичра яшаб қолади. Гарчанд бизни ҳозир 140 дан зиёд давлат расман танитган бўлса-да, улар билан ҳақиқий алоқаларини ўрнатиб бир кунлик, ҳатто бир йиллик иш эмас. Бу узоқ давом этдирган жараван. Ана шу жараёнда дипломатларнинг роли беқиёс. Чунки ташқи сивасда кўлга киритилган натижалар Бевоҳида мамлакатнинг ички аҳолисини ҳам белгилайди. Ва аксинча: мамлакат ички барибарлик ташқи сивасда муваффақиятга эришишни осонлаштиради, бир сўз билан айтганда, дипломатнинг тилини узуни қилади.

— Шухрат ака, сўзларингиздан шуни ўқидимки, университетда таълим-тарбия ишлари ҳам ана шу талабалардан келиб чиқиб олиб борилади, ана шу талабаларга иш-воб берадиган ўқувчиларнинг таълим олишлари. Хўсайин, бу йилги қабулда шу мақсадга эришилди, дея оламизми? — Авваламбор, шуни айтишим лозимки, университетимиз чинакамга янги типдаги олий ўқув юрти бўлиб, бу ерда ўқитилган фанлар дастурлари хорижий мамлакатларнинг энг кучли университетлариникидан фарқ қилмайди. Мен бу гапларни осмондан олиб айтганим йўқ. Бизда шартнома билан ишлаётган чет эллик доимларнинг фикри шундай, биз билан яқиндан алоқа боғлаб турган дипломатларимизнинг фикри шундай.

Бунга сабаб эса, биринчи навбатда университет ташкил қилинган кезлардаёқ хорижий таълимнинг пухта ўрганилиши бўлса, иккинчидан, илм маскани ўз талабаларини тасвир олишни йўлга қўйганидир. Айниқса, бу йилги қабул ўзгача бўлди ва у республикамизда ҳақиқатан ҳам олий ўқув юртига кирдиҳан адолат қарор топанга барчани ишонтирди. Бизда ўтказилган тест синовининг бошқа олий ўқув юртилардагидек фарқи шунда эдики, абитуриентларга берилган саволларга компьютер орқали жавоб бериш имконияти яратиб берилди. Бу усулнинг кулайлиги шундаки, янгит-кизилар тўплаган балларнинг бир нусخасини шу заҳотёқ ўзлари билан олиб кетишлари мумкин бўлди. Худди шу усул билан 200 нафар киши университетнинг халқаро муносабатлар, жаҳон иқтисоди, халқаро ҳуқуқ ҳамда халқаро журналистика факультетларига талабаликка қабул қилинди. Ваҳоланки, тушган арзаладар сон миңдан ортиқ эди. Бу университетимизда ўқиниш истовчилар ниҳоятда кўпчилигини ташкил қилишини яна бир қарра тасдиқдан ўтказди.

— Айниқса, ёшлиқда романтик руҳ кучли бўлади. Балки унинг учун... — Гапнингиз тўғри. Лекин

масаланинг яна бир жиҳати бор: бизда таълим ниҳоятда тизим дастурлар асосида олиб борилади. Бултур, янги ташкил этилган кезлари университетга республикамиздаги бошқа олий ўқув юртиларидек иккинчи, учинчи ва ҳатто тўртинчи курсда ўқибатган талабалардан саралаб олган эдик. Улар ҳозир бир йил ичида тўрт йилда олган билимидан кўпроқ билим тўплайди, дейишяпти.

— Университетда яратилган муҳит факат ўқишга қаратилган. Шунинг учун ҳам ҳоҳловчилар кўп. Агар билсангиз, ТошМини битиратган йигитлар бизда 1-курсда ўқишмоқда. Мана жинда биттаси тиббиёт фанлари бўйича диссертация ёқлади. Бу йилги ҳам бизда 2-курс талабаси Яна бир талабамиз автоомобиль йўллари институти аспиранти...

— Бизда Президентимиз таърифлаганидек «учинчи тоифа ёшлари» — ҳақиқий ватанпарвар ва изланувчи авлод акаллари йигилди.

— Дипломат, бу том маънода давлат арбобиридир. Вазирас битта: қаерда бўлмасин, ўз халқи ва давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, зеро, етук шахсларни тарбиялаш зиммасида бўлган мува-

курсадилар: Ҳиндистон сиваси, иқтисодиёти ва дипломатиясига қизиқадиган талабалар ичидан энг яхши 5 нафар талаба қисқа муддатга Дехли университетининг худди биздаги сингаги халқаро муносабатлар факультетига ўқиш имкониятига эга бўлди. Улар 25 сентябрь кунин йўлга чиқашди.

— Тўғриси, университет биносига киришим билан ўзимда аввал ҳис қилмаган қандайдир галати нуқулалейки сездим. Назаринда талабалар орасидан эмас, алландай асосдалар орасидан ўтиб бораётган эдик. Талабаларга ҳис шўхлик, ҳазил-мутойбаларга кўзим тушмади негадир.

— Бунга эжабланмасангиз ҳам бўлади. Бизда ортиқча тўполонга вақтининг ўзи йўқ, ҳисоби. Дарслар соат тўртгача давом этади. У ёки бу дарснинг гузрили сабабларга кўра бўлмай қолиш ҳолатларига тўрунли чек қўйилган. Дарвоқе, университет кутубхонасида бўлганимиз! Бир қизиқиб кўринг: у ерда ҳар доим одам гапмуқ. Кутубхона ич соат 11 гача ишлайди. Янглишмасам, ҳеч бир олий ўқув юртида бундай ҳолини учратмайсан.

— Масаланинг бир жиҳати. Масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. У ҳам бўлса, биз ҳозирданқо талабаларимизни дипломатик русумлар руҳида тарбиялаб бормоқдамиз. Бизда университет худдида чекли ва ичиш маъни этилган. Кимда ким шу қондани бузса, ўқиш билан хайрлашади. Талаба йигитларимизнинг галстук тикиб олишининг, қизлар эса ораста кийинишининг кўрган бўлсангиз керак. У ёғини сўрасангиз, ҳатто вилкани қандай тўтишу, қандай оқватланишгача ўргатилади бизда.

— Мана, сиз ҳозир «аслода» деган сўзни ишлатдингиз. Сиз уни қандай маънода қўлланганингни билмайдиму, ҳаёлимга университет янги оилаётган кезларда унинг пулли бўлишини эшитган бўлсам, «демак, бу ерда бакуват кишиларнинг фарзандалар ўқир экан-дан, деган гап-сўзлар айланганини келди. Буларнинг бариси бекорчи гаплар эканлигини бугун ҳаётининг ўзи кўрсатиб турибди. Иқтидорли болаларга, кам таъминланган ёшларга, Президентимизнинг Фармонида алоҳида қайд этилган бандга кўра, махсус имтиёзли кредитлар берилди ва берилмоқда. Улар давлат ёки ҳоимйлар ҳисобидан таҳсил оладилар. Бир сўз билан айтганда, истаъодли бўлса, ҳар қандай йигит-қиз бизнинг университетга ўқишга кириши ва «аслода» ўрдак ҳаёт кечиршига ўрганиши мумкин.

— Ўзбекистон дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар сонин ортан сари университет тайёрлаб чиқарган кадрларга талаб ҳам кўчиёб бораверди. Шу дорилфунунинг жонкуярлардан бири сифатида мазкур билим масканининг келажакни қандай тасаввур этасиз!

— Бу олий ўқув юртининг келажакни ҳақиқатан ҳам жуда ёлроқ. Мен бир мисол айтман, ҳулосасини ўзингиз чиқариб олаверинг. Эзда, қабул имтиҳонларига тайёргарлик қизгин кетган кезларда одадий одамлар — узоқ вилоятдан келган деҳқонлар хали мактабни битирмаган ёш болаларини етаклаб келиб, ўқили келажакда Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида киришқини, қандай маслаҳат берасилар, деб сўрашди. Қизиқинишнинг келажакни ҳам шу воқеа мисолида бемалол тасаввур қилишингиз мумкин.

— Ишончим комилки, Ўзбекистон элчилари бугун дунёда кўп кўрагани кунлар узоқ эмас. Зеро, ўтган ҳар бир йил университетнинг ўсиш ва ривожланиш йиллари бўлиб илм масканини зарарларига ёзилли бораверди.

— Сўзлашди: Зайнабдин РИХСИЕВ.

САРЛАВХАНИ ўқиб, ҳўш, нима қилибди қўшиқ айтса, дейишнинг мумкин. Биз шулардан мусиқча, ижрочиларга, санъаткорларга кўничи қолганми. Бутун умрини оҳангу-дарди хонинга бағишлаган юзлаб санъаткорларни биламиз, уларнинг оғир-босиқ миллий кўи-қўшиқларини тинглаш ва уни ҳис қилиш бахтига етишолмай қолганми.

— Мусиқа... бу қандай дунёки, унинг фўқароси бўлсангиз, кўзларингизда ўз-ўзиндан ёш қалқийди. Ёки бўлмаса, бола сингари қийқириб-қийқириб кўнглини улада «эриб кетиши» мумкин. Е парвоз қилсангиз, хавллариинга эрк бериб, ортдан ўткинчи дунё ташвишларида чарчаган мудроқ танангни олиб кетишини ис-

мумкин-ку, дея дашном беради, — дейди санъаткор. Бу ерга, болалар ва ўсмирлар саройига кўничи қолган бўлсам, нима қилай. Шу ерга сингиб кетганман назаримда. Болалардек тоза ва пок қалб эгалари билан ишлаш, уларни ҳам санъатга етаклашининг ўзига яраша гашти, бахти бор.

— Қўишчилиги ҳам бўлса керак?

— Албатта. Кўпича меннинг мусиқа тўтарамига болаларнинг ўзи эмас, уларнинг ота-оналари етаклаб келишади. Фарзандларим мусиқа тинглашга қобилият бўлмаса ҳам, бу тўгаракми, сиз фарзандимизни қабул қилишингиз, кўи ўргатишингиз шарт дейишади.

У ҚЎШИҚ АЙТАДИ



тайсан. Бутун сизга таниш тирмоқчи бўлган қўишқимиз Исломбек Муротов. Қорақалпоғистоннинг Тўртқул шаҳридан. У кишини тўртқулликлар, қолаверса бутун қорақалпоқ санъат шайдалари жуда яхши билади. Катта-катта тадбирлар, тўй-ҳашамлар Исломбек акасини ўтайди. Уларга берган илм саволимиз ҳам мусиқа ҳақида бўлди.

— Мусиқа, куй — на гапириб, на ёзиб, на бир ҳаракат билан тушуинтириб бўлгучи бир кечинма. Уни қалб билан (қўлқ) билан эмас) тинглаб бўлади. Қалб билан, дарс билан ижро этилмаган куй чирмовуқ сингари ижрозининг атрофиданига ўралашиб қолади, одамларга сингилмайди.

— Исломбек ака, бола-линингизданқо қўшиқ айт-

қилишарди. Ва мен қандай қилиб мусиқа оламига кириб қолганимни сезмай қолганман.

1966 йил Ислом ака Низоми номидани Тошкент Давлат педагогика институтининг мусиқа факультетига ўқишга кириди. Кўп ўтмай аскарлик бурчини ўташ учун Ленинградга юборилди. Уша узоқ Кронштадтда ҳам ўзбекининг баётио тизингиз, тановору муножотини янграйди. Хизматини ўтаб, ўқиниши битириб, Ислом ака ота шаҳри Тўртқулга қайтди. Шаҳар болалар ва ўсмирлар саройига ишга кириб, мана ҳозирга қадар шу ерда фаолият кўрсатипти.

— Кўпчилиги, нега болалар ичга ўралашиб, юришсан. Сен бемалол мустанил даштага тузиб, юртлар кезининг

БИЗ ЭСА ўз навбатида тўртқуллик санъаткор Исломбек Муротовнинг янги-лочи чиройли қўишқлар ижрозини эшитишга омадлар тилаб қоламиз.

Ю. АБДУОЛИМОВА. СУРАТДА: Тўртқуллик санъаткор И. Муротов. Муҳаммад АМИН суради.

Ўзбек МЕҲМОНДЎСТИГИ

Халқ удумларига кўра ҳар қандай байрам серфайз дастурхонсинг ўтмайди. Андижондаги «Олтин водий» қаҳвахонасида вилот савдо концернига қарашли умумий оқватланиш трестлари ошпазалари, қандолатчилари, офандаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Қатнашчилар белгиланган вақт мобайнида меҳмон кутити, дастурхон ёзиш бўйича ўзаро муоабалашди. Голблликни Андижон шаҳридаги ижрозини ва унинг ивқатланиш трестларининг пазанда ва қандолатчилари ағаллади.

Кутул кунда йигирувчи М. Эргашева, Г. Турдыева, Н. Эғамбердиева, пилиқовчи Д. Ризашева, ил Уроғчи О. Дадаян, корхонасининг бугунги кунги авлоди шароф била давом эттирмақда. Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг буюк келажакни ана шу ёшларнинг шоқоатига боғлик.

Бирлашмадан қайтар чоғда Ешлар Иттифоқи комбинат кўмитаси котиби Дўстмурад Эғамбердиев қўилага бир қоғоз тутқазди: «Агар юбилей ҳақида ёздағим бўлсанглар, мана шуларни ҳам қўишб қўишларининг сўрадингиз, — дейди у. Газета учун тайёрланган матнга кўз югуртирмаган. Қисқана мазмун шундай: Ешлар Иттифоқи учун маъсул ятти бўлган ҳозирги кунларда қўишқимизнинг 1980 нафар аъзолари билан бирлашмаимизнинг муборак тўйига қизини ҳозирлик кўришда фаол иштирок этиди. Бу ишда кўмитамизнинг И. Соҳибов, С. Қўишбова, Ш. Иброҳимова, У. Курбоновлар, Н. Худойбердиев сингари фаоллари ибрат кўрсатишди. Юбилей арафасида 1- ва 2-йигирув-тўкув фабрикаларини ўртасида «Кўноқлар ва ҳозиржаеоблар» танлов ўтказилди.

Демак, бирлашманинг ташкил топиши, оёқда турини йилларидаги сингари шоқолат, юраги ўли-қўли ашлар корхонада ҳозир ҳам талайгина. Улар билан ҳар қандай ваэифани удадласа бўлади. Зеро, бирлашма тарихини яратётганлар ҳам айна шундай йигит-қизлар.

Сувоқул РУСТАМ, «Туркистон» махсус мухбири.

УЧ ШИФОКОР ҚИЗ АМРИҚОДА

Юқориди «бешик» сўзини тилга олдим. Чунки Туркистон халқларининг кўпчилиги ўз фарзандини бешикда волга етказишган. Жаҳонга машҳур алломалар, улаш қалбига «факр ва ифтикор» бағишлаган билан бирда унга маъсулият ҳам юклайди. Бунинг ҳис қилиб турибми.

Анжуманда муҳомама марказида турадиган масалалардан бири «Она сугини моҳити ва ой-кунинга етмай тутилган болаларни даволаб, соғлом ўстириш самардорлигини ошириш»дир. Биз бу масала юзасидан маълум фикр ва мулоҳазаларга эгамиз. Олдимизга эса бир қатор аниқ масалаларни ҳам қўишганимиз. Аввало ёш мустанил она дидримиз — Ўзбекистон Республикасини фўқароларининг саломини анжуман қатнашчиларига етказишди. Чунки мустаниллик ҳар ва ифтикор бағишлаган билан бирда унга маъсулият ҳам юклайди. Бунинг ҳис қилиб турибми.

Анжуманда муҳомама марказида турадиган масалалардан бири «Она сугини моҳити ва ой-кунинга етмай тутилган болаларни даволаб, соғлом ўстириш самардорлигини ошириш»дир. Биз бу масала юзасидан маълум фикр ва мулоҳазаларга эгамиз. Олдимизга эса бир қатор аниқ масалаларни ҳам қўишганимиз. Аввало ёш мустанил она дидримиз — Ўзбекистон Республикасини фўқароларининг саломини анжуман қатнашчиларига етказишди. Чунки мустаниллик ҳар ва ифтикор бағишлаган билан бирда унга маъсулият ҳам юклайди. Бунинг ҳис қилиб турибми.

Хуллас, анжумандан кутгани ниятимиз, умидимиз катта. Ўйлашимиз, унинг тавеяллари келажакда бизнинг дидримизга ҳам соғлом авлодини камол топтиришга муносиб таъсир кўрсатади.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

(Бош 1-бетда).

Бирлашма тўти билан боғлиқ асосий тантаналар ана шу ерда бўлиб ўтиши мўжлаб ланмоқда. Ўз-ўзиндан бирлашма бош раҳбарининг бир қадми бош корхонада бўлса, иккинчи қадми ушбу саройда. Шу ишлар орасида Ўзбекистон халқ депутатлигинга ўзи сайланган худуддан хузурига келаятган сайловчилари қабулини ҳам унутатгани йўқ. Ботир Қодировнинг бир-лашмага раҳбар бўлиб келгани ҳақида сўз бўлди. Агар иккинчи асоси, ўша йилларги корхона ривожланиши, олдинга силкини ўринга бир жойда да денсиниб қолган эди. Қадрлар кўнишганини, ишлаб чиқариш воситаларининг ўта эскирилганини, шунга яраша ишчиларнинг мошлари ўта озлигини, бошқаруш тизимининг ўзгаришларини ҳолатлари улган корхонани «чарчатиб» қўйган эди. Янги бош директор эса шини ана шу жиҳатларини таҳлил этишдан бошлади. Беҳалолаб ўтказилган куну тунлар бесамар кетмади. Ора-

дан сал вақт ўтиб тўқимачиларнинг кўпчилиги қисми оилаётган машога унча-мунча ваэирлик ёки конерларнинг энг олди раҳбарлари ҳам хавас қилса арияди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам шунга яраша. Биринчи шорй йилнинг ўтган 8 ойи ичида бирлашма тўқимачилари истеъмолчиларга ренадатига кўишмоқда 1 миллилар сўмлик махсуслот етказиб бердилар.

— Ҳар қандай корхона тарихини одамлар, тақдирлар яратди, — дейди Ботир Қодировчи. — Бугунги кутул кунда мен мустаниллигимизни иқтисодийгача бўлган маъшуқатли йиллар юқини кўтарган ўнлаб, юзлаб, миңлаб кесдошларининг номларини санагим келади. Комбинатимиз тарихининг биринчи Меҳнат Қоҳрамони Марҳамат Йўлдошева, шунингдек, Лидия Казанчева, Булола Жўраеваларини, Вера Солдатовна, Марзия Тўрусқўишова, Евгения Губина, Динлор Қўлматовна, Каромат Еқуббоева сингари вақилларининг бугунги кунгача ҳамюртларимиз эслаб юришарди. Бирлашмаимиз

Янги ўқув йили бошланганга ҳам бир ой бўлапти. Хуш талабалар қандай яшашмоқда? Уларнинг овқат-ичини қай тарзда ташкил этилган?

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг Талабалар шайхонаси ҳокими Рузмируд Чориевга мақсадимизни айтганимизда, яхши масалалар бўйича талабалар касабамас раисига учрашимиз маъқул бўлишини айтиди. Сўнг-ра ҳоким билан биргаликда унинг хузурига бордик.

Қандай яшайсан, талаба?

Икки даргоҳ, икки манзара

Мамараҳим Жумаев. — Ҳар бир ётоқхонада буфет ва ошхоналар ишлаб турибди. Уларнинг сони 14 та.

Шу билан биргаликда институт қоида иккита нововхона ёшлар хизматида. Биз олий билимгоҳ ректори, профессор Саттор Ибодуллоев ташаббуси билан ҳар бир ой учун талабага бериладиган икки килограмм унни Мирзо Улуғбек тумани озиқ-овқат савдо ташкилоти билан келишиб, нон чекларига ўтказдик. Аввалга улар рўйхушлик беришмади. Аммо бошланган ишнинг хайрли мақсадда қилинаётганини, бу ёшлар учун қулай ва арзон эканини (ҳар бир дона нон 20 сумдан сотилмоқда) билангина, рози бўлишди.

— Яна тандирсомса қиладиган чехимиз ҳам бор, — деб сўзидан давом этади Мамараҳим. — Талон билан ишлайдиган магазинимиз ҳаминда кўришдик. Бу ерда ўн-та факультет талабалари ронини бўйича талонга маъсул олашди. Олий билимгоҳимиз ёшлари ҳам муштақил республикамизнинг барча талабалари сингари институтимиз ошхоналарида талон бўйича текинга овқатланганлар. 50 ўринга мужалланган санаторий-профилакторийимиз ишлаб

эмас, эрта-нинг талабалар дастурхони яна бир ажойиб таом билан бўйса. 10-талабалар ётоқхонасида фақат 1- ва 2-курсда ўқийётган ёшлар истиқомат қилишаркан. Бу ҳам институт фаоллари олиб бораётган ўзинга хос йўл. 60 ўринга мужалланган шинам ошхона ётоқхонанинг 1-қаватида, шундоқ кираверишда жойлашган. Ошхона бош ошпази Равшан Баҳромовдан ишлари ва шарт-шароитлар ҳақида сўрадик.

— Биз асосан миллий таомлар тайёрлаймиз, — дейди у. — Албатта, қандай таомлар ҳўрандага маъқуллиги билан ҳам қизиқамиз. Ингитлар кўпроқ паловни хоҳлашади. Масаллиқлар етарли, ҳеч нарсадан нолимаймиз. Барчаси кўнгилдагидек. Эрталаб соат 7 дан кечқурун соат 20 гача талабалар хизматдаимиз.

Шу ётоқхонада истиқомат қилувчи Аҳмад Чориев, Одил Ёқубовлар ошпазлардан мамнуллигини яширишмади.

Ошхоналар ишнинг муҳом назорат қилиб борамиз, — дейди М. Жумаев хайрлашаётиб. — Турли факультет талабаларидан иборат бўлган махсус гуруҳимиз (улар беш киши) бор. Емон ишлашга уларнинг ҳақлари йўқ.

Ташқарига чиқдик. Шаҳарчада эса ҳаёт қайнайди.

Тошкент Давлат Фармацевтика институтимиз. Доринуслоник факультетининг III курс талабалари Зокиржон Ҳасанов ва Давронбек Валиевларни суҳбатга тордик.

— Ингитлар, сизлар ўқийётган институтда овқат-ичини учун шарт-шароитлар етарлими? Имтиёзли талонлар билан таъминланганми-сизлар?

— Ҳар ойда донаси 90 сум қийматга эга бўлган талон билан таъминлашади. Бу талонлар бизнинг уч маҳал овқатимизни бутунлай қоплайди дейиш нотўғри бўлади. Енимиздан пул қўшиб тамадди қиламиз.

— Овқатлардан кўнглингиз тўладими?

— Ҳа, ҳозир тушликка кетаётган эдик. Истасангиз биз билан бирга бориб, кўришингиз мумкин. Ошхонада хилма-хил овқатлар тайёрлашади. Ош дейсизми, шўрва дейсизми. Макарондан ҳам бир неча таомлар муҳайё қилинган. Мазази кўрнимиз оч қолётгани йўқ.

— Ётоқхоналарда ҳам тамадди қиладиган жой борми?

Икки даргоҳда, икки манзара. Истаган иккониёқ толада, дейишди. Тушунимиз. Ҳозирги мушкул даврда ҳеч қандай осон бўлаётгани йўқ. Аммо эртанги куннинг арагувчилари бўлиши талабаларга яхши яшашлари учун қулай шарт-шароитлар қилганимиз Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтидан иборат олма аршиди. Бировдан намуна олиш, ўрганиш эса марднинг иши.

— Афсуски, ётоқхоналарда на буфет ва на ошхона бор. Кейин билан ҳам бир аҳволда. Институтга яқинлиги учунгина ётоқхонада тураимиз. Бўлмаса... Қўйилган ҳам яна бир 3-ётоқхонамиз бор. Ана у ернинг ҳақиқий уй деса бўлади. Комфорт. Бизла ҳам тез орада ўзгартиришлар бўлади, дейишайпти...

Суҳбатимизга қилар қўшилди.

Талон масаласида баъзи тушунмовчиликлар бор. Бир овқат олинганда фақат битта талон ишлатиш мумкин. Ваҳоланки, унинг бир донасига уч дона варақ келади. Нафақаю, берилган талонлар учун аввал минг раҳмат. Лекин нарх-навонинг кун сайин кўтарилишида талаба ҳам зўрға кун кўраётганлар сафига кириб қолган, — дейди 5-курс талабаси Дилфуза Қурбонова. — Ошхонамиз кундуз соат 14 лардан сўнг берк бўлади. Буфет ҳам тушликкача ишлайди. Бизку, кечки овқатни бозор-уچار қилиб, ҳафсала билан тайёрлашимиз мумкин. Аммо Ингитларнинг кўпчилиги кўча-кўйдан тамадди қилишга мажбур.

— Иккинчи ётоқхонада яшаш учун шароитлар етарли эмас, — дейди Дилбар Мансурова. — Таътилдан келганимиздан буён иссиқ сув йўқ. Чироқ, душ масаласи кишини ранжитади. Уша чироқнинг бўлмагани учун кечаси йўлакларда юришга одамнинг юраги бе-зиллайди. Кечирасизу, ноқулай бўлса-да, айтишга мажбуримиз. Ишонсангиз бутун бошли ётоқхонада битта ҳожатхона ишлайди.

Умидла Болтабоева доринуслоник факультетининг учинчи курсида ўқийди. Унинг ҳам бизга айтдиغان гаплари бор экан.

— Уйимиздагилар, таниш-билишлар узоқ вилоятлардан ҳолимиздан хабар-олиш учун келишади. Бироқ, уларни ётоқхонага киритишмайди. Ахир улар бегона эмаску. Бизнинг қай аҳволда яшаётганимизни кўриб кетишса, кўнгиллари хотиржам бўларди.

Истагимиз институтимиз ён-верига обинон сотадиган дўкон қурилса. Агар илони бўлса кичикроқ бозорча бўлса, айтиш мумкин бўларди. Ётоқхоналарда ҳам шарт-шароит яратилишига ишонимиз, умид қиламиз. Бундан бошқа илож йўқ. Чунки ижара уйларида туршиш ҳамён кўтармайди.

БИР НИГОҲ ТАШЛАГИН, БИРГИНА НИГОҲ...

Т. МАҲҚАМОВ сурати.

Газета саҳифаланаётганда: АЗАГА АЙЛАНГАН ТҮИ Ҳаммаси чапмасига кетди. Не-не орау-умидлар билан ола қуришга аҳд қилган фароналик Ойбек эн-дигина ҳарир либос-га бурканган келишди, никоҳ маросиминда иш-тироқ эътиётан уч на-фар Ингит-қиз ҳаёт-дан бевақф кўз юмши-ди.

Тўй олдида Водил қишлоқдаги соя-сал-қиян ғўнада бўлиб ў-тган никоҳ маросими тоғгача давом этди. Келин-қувв ва улар-га ҳамроҳ бўлганлар хоржий енгил авто-машинига ўтиришиб, шаҳар томон елдек учиди. Ҳаддан зиёд тезлик билан бораёт-ган машина ҳайдовчи-си уни бошқара ол-май қолди ва рўпара-дан келётган «ЗИЛ» русумли юк машина-си билан тўқнашиб кетди. Енгил автома-шина яқинда бўлган беш нафар ёшлар во-қеа жойида ҳалок бў-лишди. Никоҳ маро-симларининг палла-пал-қам жойларда ишон-лаш баҳонасида ўта-ётган бемаъни эи-фат-ларга чек қўйиш пай-ти келдимикан?

Келгуси сонда: ● ЛОҚАЙДИК ҚИЛГАН ЭДИ. ● ЖАХОНГИР ЖАХОН ГАШТИ-НИ СУРАР.



САЙЛ... Р. ШАРИПОВ сурати.

Болалар уйи— ёрдамга муҳтож

Сентябрь ойида Намангандаги болалар уйи ташкил топганига 75 йил бўлди. Аммо тарбиячилар ва болалар бу санини байрам най-филтида кутиб олишяётгани йўқ. Бундан уч йил муқаддам вилоят марказидаги иккита мактабга ҳам мактаб ёш-даги болалар уйи бирлашти-рилган эди. Янги болалар уйи боғча учун қурилган бинога кўчиб ўтди. Шу би-лан хурсандчилик ҳам ту-ради. Тарбияланувчиларнинг кўпчилиги мактаб ёшдаги болалар бўлишига қарамас-дан, бу ердаги шароит ҳам-мон боғча болаларига мул-жалланган: каравотлар ич-кича, болалар уларнинг и-кити, тоғо эса учтасини бир-лаштириб ётишга тўғри ке-лади. Катта мактаб ёш-даги болаларнинг шароити эса бундан ҳам баттар — 21 нафар болага 15 та каравот ажратилган. Диван, кресло-лар, ҳатто оддий стуллар ҳам етишмайди.

Болалар уйи ҳудудда на ҳаммом, на бирон устакхона, на дам олиш хонаси бор. Ҳатто футбол ўйнайдиган майдонча ҳам йўқ. Боғча-нинг спорт зали ошхонага айлантирилган. Бу ерда ҳам жиҳоз ва идиш-товуқ етиш-майди. Болалар уйи бутунлай қар-овсиз қолгани йўқ, албат-

ЭРТАК БИЛАН УЧАРУШ

Йўлдош Охунбоева номи-даги республика Еш томоша-билар театри муҳлислар би-лан бурч, масъулият, юртга меҳр-муҳаббат сингари аҳ-лоқий муаммолар тўғрисида кўпинча эртак воситасида му-лоқот қилади. Чунки, яхши-ликнинг ёмонлик устидан тан-танаси эртанда жуда мафтун-кор тарзда намои бўлади. Театр Маматкул Ҳазраткулов-нинг «Афандининг саргу-заштлари» деб аталган эртак-пьесаси асосида сахналаштир-ган янги спектаклда ҳам бу яқин сезилиб туради. Режиссёр Омон Шарипов, расмом Дониёр Ҳасанов пье-санинг долзарб мазмун ва зе-монавий руҳини чуқур ҳис этиб ажойиб, ҳайбатли томо-ша яратганлар. Спектакль бош қаҳрамони Шоҳ Афанди қи-фасига кириб, мамлакат фу-қароси қандай яшяётганини, унинг қувон ва ташвишлари-ни билмоқчи бўлади. Театр болаларда меҳри-бонлик, катталарни иззат қи-лиш каби фазилатларни тар-биялашга деъват этилган, — дейди режиссёр Омон Ша-рипов. — Ана шу сифатларни болаларга сингдиришда эртак жуда кўл келади. Чунки у мурғак қалбга яқин, уни ром этадиган жанрдир. Шунинг учун ҳам биз эртаклар асос қилиб олинган асарларни жон-дилимиз билан сахналаш-тирамиз. Маматкул Ҳазраткуловнинг «Меҳр кўп кўргазди» дра-маси, «Мана, кўп йилларки, сахнамиздан тушмай келмади. Театримиз жамоаси ўзининг севимли муаллифи билан уч-рашди.

Л. СТРУНИКОВА, УзА мухбири.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ Ташхир ҳайвати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ, Б.ЮСУПОВ.

Тавсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЕШААР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚҶМИТАСИ ба "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан "Еш лонинчи" номи билан чиқа болади.

ТАХРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий бешаз — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмади ва таҳлил этилмади.